O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 26 июнь, № 125 (4535) Пайшанба


# ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ – ЁШЛАРИМИЗ!

Ифтихор

***Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туб мазмун-моҳияти билан инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Президентимизнинг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига қилган сафарларида ҳам ана шу масала – инсон омили, унинг турмуш тарзи, тақдири диққат-марказида бўлди.***



Баxтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Маънавият мавзусидаги фикрлар, ёшлар даврасидаги учрашувлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Истиқлол даврида юз берган ислоҳотлар самаралари билан танишув жараёнидаги суҳбатлар турли соҳаларда хизмат қилаётган ёшларимиз учун ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Сўзимиз исботи тариқасида улардан айримларининг фикрларини келтирдик.

— Энг катта бойлигимиз — ёшларимиз! Президентимизнинг вилоятимизга ташрифлари чоғида айтган бу гаплари ҳар бир йигит-қизнинг қалбида чуқур ҳаяжон уйғотади, — дейди Бухоро вилояти телевидениеси етакчи муҳаррири Мунисхон Каримова. — Хизмат тақозосига кўра, вилоятимизнинг турли ҳудудларида бўламиз. Турли одамлар, турфа фикрларга дуч келамиз. Аммо қаерда бўлмай, бир жиҳат эътиборни тортади. Бу — ёшлар таълим-тарбияси, тақдирига бўлган беқиёс эътибор. Яқинда Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернатида Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" деб номланган китоби юзасидан учрашув ўтказилди. Ўқувчиларнинг ушбу асардан келиб чиқиб билдирган фикр-мулоҳазалари шунчалик қизиқарли эдики, очиғи, лол қолдим. Аслида, ҳайратланишга ҳожат йўқ. Ушбу ўқув даргоҳидаги ҳар бир ўқувчи ўз билимига қаттиқ ишонади, ўз фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қила олади. Энг асосийси, улар бугунги яратилган имкониятдан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Буларнинг барчаси Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли эканлигини эса ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим. Ёшларни жамият бойлиги деб билиш, уларга замонавий шарт-шароитларни яратиб бериш мамлакатимизда устувор вазифага айланган экан, биз, ёшлар бунинг қадрига етишимиз керак.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 26 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдидан

# МИНТАҚАВИЙ МАНФААТЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий Кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айни пайтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Мамлакатимиз Президенти парламент юқори палатасининг 2005 йилдаги бешинчи ялпи мажлисида айнан ушбу масалада, аниқроғи, Сенат ва маҳаллий Кенгашлар ўртасидаги изчил, самарали алоқа ва ҳамкорликни янада яхшироқ йўлга қўйиш ҳақида куйиниб гапирди ва бу борадаги фаолиятнинг истиқболдаги вазифалари ҳақида алоҳида тўхталгандилар. Орадан уч йил ўтди. Сенат аъзолари маҳаллий Кенгашлар билан нафақат алоқа ўрнатиш, балки барча йўналишларда ҳамкорлик қилишни йўлга қўйдилар. Биз парламент юқори палатасининг навбатдаги ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдидан Жиззахга, аниқроғи, Олий Мажлис юқори палатаси аъзоси Нодира КАРИМОВАга сим қоқиб, Сенат ва маҳаллий кенгашларнинг айнан шу йўналишдаги ҳамкорлиги хусусида гапириб беришини илтимос қилдик.***



— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисида вилоятимиздаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг 2005-2007 йиллардаги фаолияти таҳлил этилди, — дейди сенатор. — Бу депутатларга, биз сенаторларга катта масъулият юклаши билан бирга бу соҳадаги келажак ишларимиз дастурини ҳам белгилаб берди, десам янглишмайман. Шу боис халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг эндиги фаолиятида аҳоли гавжум тураржойларда ўтказиладиган учрашувларга, фуқаролар қабулига алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Фуқаролар қабули, сайловчилар билан учрашувлар имкон қадар сенаторлар ҳамкорлигида ўтказиладиган бўлди.

Эътироф этиш керакки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари иш режалари аввалги йиллардан фарқ қилади. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини қамраб олиш, ижро этувчи ҳокимият ҳудудий органлари фаолияти устидан депутатлик назорати самарадорлигини оширишга қаратилган турли тадбирлар мавжуд. Хусусан, ҳудудлардаги соҳа раҳбарларининг сессия, доимий комиссиялари мажлисларидан ташқари бевосита аҳоли ўртасида ҳисоботларини тинглаш амалиёти жорий этилди.

Фуқароларнинг турли қатламларини касаначилик ҳаракатига жалб этиш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, омма ўртасида ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар хусусидаги мулоқотлар, айниқса, диққатга сазовор бўлмоқда.

Ҳамкорликдаги фаолият жараёнида фуқароларнинг мурожаатларидан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этишга кўпроқ эътибор қаратилаяпти. Сенатор ва депутатлар

(Давоми 2-бетда).

***2008 йил 24 июнь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия Раиси Мирза-Улуғбек Абдусаломов олиб борди.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан айрим Сенат аъзоларининг ваколатлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди ва 2008 йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Бундан ташқари, комиссиянинг айрим аъзоларини муайян даврда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Комиссия мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# АҚШ ЭКСПЕРТИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

***Россиянинг бир қатор босма ва электрон нашрларида, жумладан, Москва Давлат университети ахборот-таҳлил марказининг веб-сайтида АҚШнинг Индиана университети профессори, Шарқий Европа ва Россия институти етакчи эксперти, АҚШнинг Марказий Осиё минтақасини тадқиқ қилишга ихтисослашган таниқли мутахассисларидан бири Мартин Спеклернинг интервьюси эълон қилинди.***

Дунё нигоҳи

Америкалик олимнинг фикрича, «Марказий Осиё эндиликда бешта собиқ шўро республикасидан иборат бўлган яхлит минтақа эмас, балки турли даражада ривожланган, турлича тараққиёт стратегияси, турли натижалар ва сиёсий йўналишлари билан фарқланувчи давлатлар тизимини акс эттирувчи ҳудуддир».

Шу билан бирга, М. Спеклернинг таъкидлашича, «Ўзбекистон шўролар тузумининг ҳукмронлиги, жумладан, пахта яккаҳокимлиги ҳамда Орол денгизи фожиаси кабиларни ўз бошидан кечирди. Шу боис Президент Ислом Каримов мамлакат мустақиллигининг бошиданоқ ташқи ёрдамга боғлиқ бўлмаган мустақил тараққиёт моделини танлади. Ўзбекистон энергетика ва озиқ-овқат саноатида мустақилликка эришишга қаратилган сармоявий стратегияни амалга оширди».

«Собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистон нафақат иқтисодиёт соҳасида жиддий муаммоларнинг олдини олишга, балки МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ишлаб чиқариш ҳажмини мустақилликдан аввалги кўрсаткичлардан оширишга муваффақ бўлди.

Мамлакат бу натижага деярли ташқи ёрдамсиз эришди — Осиё тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки фақатгина алоҳида инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштирди, холос», — дея таъкидлайди М. Спеклер.

Америкалик олим Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳақида гапириб, мамлакатда амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати 2003 йилнинг якунига келиб Ўзбекистонда миллий валюта — сўмнинг конвертациясини йўлга қўйиш имконини берганига эътибор қаратади.

«Ўзбекистон давлат банк кредитларидан фойдаланган ҳолда тўқимачилик, кимё ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига сармояларни жалб этди. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат ва энергетика соҳаларидаги мустақиллиги ҳамда 2003 йилдан буён кузатилаётган экспорт тушумлари ҳажмининг ўсиши республикага ўз мудофаа қобилиятини юксалтириш ва бу масалада ўз кучига тўлиқ таяниш имконини берди», дейди олим.

М. Спеклер, шунингдек, Ўзбекистон ўз миллий даромадининг катта қисмини таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтираётганини юксак баҳолади. «Болалар ўлимини камайтириш ва тоза ичимлик сувидан фойдаланиш борасидаги кўрсаткичларда ҳам мамлакат минтақада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда», дея хулоса қилади америкалик олим.

**«Жаҳон» АА.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Қарши шаҳрида «Оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзуида семинар бўлди.***

## Оилада бола тарбияси



Унда вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш соҳасидаги қонунлар, ҳукумат қарорлари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши чуқур таҳлил қилиниб, хотин-қизлар қўмиталари, тиббиёт, таълим муассасалари ва журналистларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйиш бу борадаги бир қатор масалаларнинг ечимини топишда қўл келиши алоҳида таъкидланди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сарбаланд хирмон

***Сурхондарё вилояти ғаллакорлари 240 минг тоннадан зиёд сара дон тайёрлаб, шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарди.***

Бу хирмонга, айниқса, Ангор, Денов, Музработ, Сариосиё, Шеробод, Қизириқ туманлари деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Агар бундан 17 йил аввал вилоят бўйича 30 минг тоннанинг нари-берисида ғалла етиштирилганини эсласак, тармоқда қанчалик ўсишга эришилгани яққол аён бўлади.

Бу ютуқ нав танлаш, илғор агротехникани ўзлаштириш, кунига 100-150 тонналаб ғалла ўриб-янчадиган комбайнларни далага олиб кириш ва ниҳоят, донни қайта ишлаш механизмларидан самарали фойдаланиш маҳсулидир. Буларнинг ҳаммаси Мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимизнинг раҳнамолиги ва бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда олиб борилган изчил ислоҳотларнинг мевасидир.

Асл деҳқон дон сочади. У бир ҳовуч уруғдан хирмон-хирмон ҳосил кўтаради. Об-ҳаво унинг шаштини қайтармоқчи бўлади, йўл-йўлакай бошқа муаммолар туғилади, албатта. Лекин ислоҳотлар самараларидан руҳланган деҳқон бўш келмайди. Чунки у — бугун ер билан тиллаша оладиган ҳақиқий деҳқон, замонамизнинг илғор вакили, қишлоқ мулкдори, яъни, фермер. 7330 та фермер хўжалигининг аксарияти шартнома шартларини бажариб, тонналаб буғдойни омборига тўккани, ишчиларга, маҳалласидаги кам таъминланган оилаларга улашгани бунинг исботидир.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## «Сиёб саховати»

***Тойлоқ туманидаги «Сиёб саховати» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида бир кеча-кундузда 25 тоннагача мева-сабзавот қайта ишланаяпти.***

Бундай натижага хориждан 322,7 миллион сўмлик янги ускуна сотиб олиниши эвазига эришилди. Айни пайтда корхонада 80 та янги иш ўрни яратилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## «Маржон» сувидан ичинг

***Ғаллаорол туманидаги "Маржон" сиҳатгоҳида шифобахш булоқ сувини қадоқлаш йўлга қўйилди.***

Бу хайрли ишга "Жасурхон келажаги" хусусий корхонаси раҳбари Камол Ўролов қўл урди. Яъни, у «Халқ банки»дан олинган 10 миллион сўм маблағ ҳисобидан замонавий дастгоҳларни келтириб ўрнатди. Натижада 50 та иш ўрни яратилди. Улар ҳозирда кунига 5 минг дона "Маржон" сувини истеъмолчиларга етказиб бермоқдалар.

— Ушбу булоқ сувининг шифобахш хусусиятлари кўп, — дейди Камол Ўролов. — Айниқса, ўт ва ошқозон-ичак касалликларига фойдали. Шу боис булоқ сувини нафақат вилоятимиз аҳолисига, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказиб беришни режалаштирганмиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# ЭЗГУ ИШЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

**Фахр**

Фермер Толиб Ҳусеновнинг кайфияти ҳар қачонгидан баланд. Вобкент туманидаги «Ҳусен Болта замини» фермер хўжалигини бошқараётган бу инсонни суҳбатга тортсангиз, «Куни кеча Юртбошимиз хўжалигимизда, қишлоғимизда меҳмон бўлдилар. Бу ташрифдан бошимиз кўкка етди. Давлатимиз раҳбарининг қадами қутлуғ келди. Ишонмасангиз, мана, буғдойзоримизга боқинг», дейди қувончини яширолмай.

Фермернинг тўлқинланиб гапирганича бор. Қарийб 18 гектар ерда етиштирилган буғдой ўроққа келди. Гектаридан ўртача 65-70 центнердан ҳосил олиниши кутилаяпти. Ғўза парвариши ҳам авжида.

— Президентимизнинг сўзларини, маслаҳатларини тинглаб туриб, ишондимки, фермерликни танлаб хато қилмаган эканман, — дейди Толибжон. — Ахир, ҳаётда шунчаки яшаб ўтиш ҳам мумкин. Ҳозир эса 17 нафар ишчимнинг қозони қайнаши учун масъулман. Қишлоқдаги маъракамавридда ўрним бор. Кекса, ногирон кишилар ҳолидан хабардор бўлиш, уларга ёрдам қўлини чўзишни ҳам ўз вазифам, деб биламан. Қишлоғимиз йўлини шаҳардагидек равон қилсам, дейман...

— Ҳудудимизда 10600 нафар аҳоли яшайди, — дейди Қўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рафиқ Қулиев. — Пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик йўналишларида 75 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Президентимиз қишлоғимизга бир эмас, учинчи бор ташриф буюрдилар. Фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз бу ташрифдан ниҳоятда хурсанд.

Рафиқ ака ёшлар ҳақида бежиз сўз очгани йўқ. Кейинги йилларда бу ердаги қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Замонавий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 6-ўрта мактаб капитал реконструкция қилинаяпти. 10-мактаб қайта таъмирдан чиқарилди. 37-мактаб учун эса қўшқаватли янги бино қурилаяпти. Уни Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, барча қулайликларга эга қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли хизматида. Табиий газ ва ичимлик суви таъминоти йўлга қўйилган. Қишлоқ йўлларида Самарқандда ишлаб чиқарилган «Isuzu» русумли автобуслар қатнаяпти.

— Президентимиз билан учрашувдан бир олам таассурот олдим, — дейди Вобкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси Дилфуза Қаноатова. — 2005 йилда Бухоро давлат университетини имтиёзли диплом билан тугатиб, шу коллежга ишга келганман. Ўқув масканимизда қишлоқ ёшларининг чуқур билим олиб, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча қулайликлар яратилган. Юртбошимизнинг сўзларини тинглаб, давлатимизнинг ёшларга жуда катта эътибор қаратаётганини яна бир бор юракдан ҳис қилдим. Билсангиз, ўз ишимга, вазифамга янгича бир назар билан қараш хоҳиши туғилди. Ватанимиз келажаги биз, ёшлар қўлида экан, ўғил-қизларни ҳар томонлама билимли, зукко қилиб тарбиялаш ишига ўз ҳиссамни қўшавераман.

Ҳа, бугун эл-юртни янада обод қилишдек эзгу ният бухороликларни янада жипслаштирмоқда, эзгу ишларга даъват этмоқда. Бунда Президентимизнинг маслаҳат ва таклифлари, йўл-йўриқлари дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — ЁШЛАРИМИЗ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен ўйлайманки, биз, ўзбек ёшлари теран нигоҳ билан янгиликка интилишимиз, касб-ҳунар эгаллашимиз, илму маърифат чўққиларини забт этишга янада қатъийлик ва шижоат билан киришмоғимиз лозим.

— Ташрифни телевизор орқали кўриб тўлқинланиб кетдим, — дейди биз билан суҳбатда Чироқчи туманидаги 73-мактаб ўқитувчиси Ғолиб Зиёев. — Юртбошимизнинг, айниқса, ёшлар ҳақида куюнчаклик билан айтган фикрларидан қаттиқ таъсирландим. Спортчилар билан қилинган дилдан суҳбатни кўриб, роса ҳавасим келди.

Тўғриси, бугун юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ёшларга эртанги кун ворислари деб қараш, бунинг учун кенг имконият яратилганлигининг ўзиёқ ҳаётимиз мазмунини белгилаб беради. Мисол учун, ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, мактабни битириб, ўқитувчи бўлиш ниятида юрганимда айримлар бошқа касбни танлашимни маслаҳат беришди. Мен эса йўқ дедим ва қатъият билан мақсадим сари интилдим. Бугун ушбу касбни танлаб адашмаганимни англаб етдим. Энг чекка қишлоқларда ҳам муҳташам мактаблар қурилаяпти. Энди айтинг, шундай пайтда биз ишламасак, ким ишлайди?! Мен ўқитувчи эканлигимдан, истиқлол замонида, ўз тилида, ўз юртида эмин-эркин ўқиб-улғаяётган болаларга дарс бераётганимдан фахрланаман.

Ҳаётдаги энг катта орзуингиз нима, деб сўрадингиз. Жавобим шуки, мен ҳам барча ўқитувчилар қатори бугун ўзим ўқитаётган болалар орасидан етук инсонлар етишиб чиқишини истайман. Улар юксак марраларни эгаллаганда: "Менинг шу даражага эришишимда барча яқинларим қатори азиз муаллимнинг ҳам ҳиссаси катта", деса қанийди!..

Бундай фикрлар ҳар бир ҳозирги йигит-қизнинг қалбида нурланиб турибди. Покиза туйғуларга ҳамоҳанг бу каби дил изҳорларини тинглагач, қалб тубида шундай нидо янграйди: Истиқлолимизга кўз тегмасин, илоё!.. Истиқлол — халқимизнинг янги-янги авлодлари учун нурли истиқбол бўлиб қолсин!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МИНТАҚАВИЙ МАНФААТЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Олий Мажлис палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш юзасидан изчил иш олиб бориш мақсадида тузилган доимий ишчи гуруҳларга бириктириб қўйилган.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти, Фориш, Зомин ва Пахтакор туманлари Кенгашлари фаолиятидаги изланишлар, ташаббуслар, айниқса, диққатга моликдир.

Мазкур фикрларни давом эттириб айтиш мумкинки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига берилган назорат ваколатларидан янада самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Доимий комиссияларнинг ўз қарорлари ижроси юзасидан амалий назорати мунтазамлиликка асосланиши даркор.

Бунга Сенатнинг назорат-таҳлил фаолиятида доимий қатнашиб, Сенат қўмиталарининг иш режасига асосан Қашқадарё, Бухоро, Сирдарё, Тошкент, Навоий вилоятларида хизмат сафарида бўлганимда, яна бир бор амин бўлдим.

Қувонарли томони, вилоятдаги маҳаллий Кенгашлар вакиллари Сенатнинг ҳудудий вакиллик органи сифатида жойлардаги маҳаллий Кенгашлар ва ижроия ҳокимияти органлари билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорлигига катта қизиқиш ва ишонч билан қарашмоқда. Халқ депутатлари Жиззах тумани Кенгашининг ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Й. Бердиевнинг айтишича, Олий Мажлис Сенати томонидан вилоятлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар ва қонунларни ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб бораётган ишлар ҳар томонлама манфаатли бўлди. Улар бу жараёнда парламент ва маҳаллий Кенгашлар ҳамжиҳатлигини таъминлаш борасида фикрлашдилар, ўзаро тажриба алмашдилар. Жорий йилдаги ва келгусидаги иш режалари жиддий ўрганиб чиқилди. Ҳамкорликдаги фаолият депутатларга ишонч ва куч бағишлаётир.

Ҳақиқатан ҳам, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг таҳлил қилиб берилиши сессиялар ва доимий комиссияларда қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат кучайишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Сенатнинг ва Сенат қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги тўғрисида»ги қарорининг босқичма-босқич бажарилишини таъминлайди.

**Э. БОЛИЕВ**
**ёзиб олди.**

# ЗАМОНАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИГИ

***Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорини амалга татбиқ этиш натижасида пойтахтимиз жамоли кундан-кун кўркамлашиб бормоқда. Хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳам пойтахтимизнинг Мирсолиҳов кўчасидаги темир йўл кўпригини реконструкция қилишга киришди.***

**Мустақиллик иншоотлари**

Қурилиш ишлари "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг "Кўприкқурилиш" трестига қарашли 13-отряди томонидан олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бунёдкорлик ишларига сарфланаётган маблағни трест тўлиғича ўзи қопламоқда.

"Боштранслойиҳа" очиқ акциядорлик жамияти эса бунёдкорлик ишларининг боришини доимий назорат қилиш билан бир қаторда, йўл алмаштириш ускуналари, электр таъминоти, сигнализация ва алоқа тизимини қайта қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, ушбу ғоянинг бекаму кўст бажарилишини таъминлаётир.

Айтиш жоизки, аввалги темир йўл кўприги замонавий талабларга жавоб бермай қолган эди. Ўз навбатида, бу ҳол транспорт воситаларининг аҳолига қулай ва тежамкор хизмат кўрсатишига ҳам монелик қиларди. Қиёслаш учун шуни айтиш мумкинки, эски кўприкнинг узунлиги 18,6 метр, эни эса 13 метр эди. Реконструкциядан сўнг кўприкнинг узунлиги 23,6 метр, ўтиш жойининг эни — 22 метрни ташкил этади. Янги кўприк лойиҳасида трамвай йўли таъмирланиши ҳам кўзда тутилган.

Темир йўл кўпригининг реконструкцияси туфайли 60 та янги иш ўрни яратилди. Унда 20 га яқин турли махсус асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланилмоқда.

Янги темир йўл кўприги пойтахтимизнинг меъморий қиёфасини янгилабгина қолмай, шаҳар ичидаги темир йўл тизимининг янада такомиллашишига ҳам хизмат қилади.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Сирдарё вилояти Оқолтин туманида бу йил касб-ҳунар коллежларини 376 нафар йигит-қиз тамомламоқда. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида туман Бандликка кўмаклашиш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

# БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ИШ ЖОЙЛАРИ

**2008 йил — Ёшлар йили**

Меҳнат ярмаркасида 24 та ташкилот ва корхона 150 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада қатнашган туман марказий шифохонаси ва фермер хўжаликлари, МТП, "Сардоба пахта тозалаш" корхонаси ҳамда 1, 2, 3-мактабларнинг фаолиятига доир кўргазмалар ёшлар эътиборини тортди. Шу куни 143 нафар йигит-қиз ишли бўлди. Қолган ёшларга меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар берилди.

— Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида бандлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Оқолтин тумани Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Олим Мавлонов. — Жорий йилнинг ўтган беш ойида 700 дан зиёд фуқаро ишга жойлаштирилди. Ўнлаб ёшлар касб-ҳунар ўрганишга йўналтирилди.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Бандлик дастури**

**Республикамизнинг барча вилоятларида бўлгани каби, Хоразмда ҳам аҳоли бандлиги бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади ҳар бир фуқарони фойдали меҳнатга жалб этиш орқали ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборатдир.**

# Меҳнат қилган элда азиз

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда унинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, улар корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, меҳнат муносабатларининг тўғри шаклланишига эришмоқдалар. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида Бандликка кўмаклашиш марказларига 15074 нафар фуқаро мурожаат қилган эди. Шулардан 10639 нафари ишга жойлаштирилди, 501 нафари касб-корга ўқитилди, 854 нафари жамоат ишларига жалб этилди. 1393 нафар кишига эса, қонун ҳужжатларига асосан, ишсизлик мақоми берилиб, тегишли нафақа тайинланди.

Бандлик дастурини амалга оширишда, шунингдек, касаначилик асосида ишни ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, жорий йилнинг бошидан буён шу усулда 1258 нафар фуқаро ишли бўлди. Уларнинг 705 нафари аёллар, 692 нафари ёшлар эканлиги қувонарли ҳолдир. Эътиборлиси, ўтган тўрт ойда касаначилар томонидан 169 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда корхона ва ташкилотларнинг талаби инобатга олиниб, ишсизларни касбга қайта ўқитиш йўлга қўйилганининг самараси катта бўлди, албатта.

Жойларда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиши кўпчилик учун айни муддао бўлмоқда. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, прокуратура ҳамда Бандликка кўмаклашиш марказлари ҳамкорлигида ташкил этилган 29 та шундай ярмарка жараёнида 1182 та корхона ва ташкилот 8685 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Натижада 11510 киши ишга жойлашди. Уларнинг 2678 нафари ёшлар бўлиб, қарийб ярми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Шу билан бирга, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида вилоятдаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида ўтказилган ихтисослаштирилган махсус меҳнат ярмаркаларида ҳам кўплаб битирувчилар иш ўринларига эга бўлдилар.

Дарҳақиқат, меҳнат — инсоннинг зийнати. Бунёдкор инсон меҳнати билан жамият бойлигини яратади, юрт равнақини таъминлайди. Шу боис халқимиз меҳнатни қадрлайди, «Меҳнат қилган элда азиз», дея улуғлайди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Яхши хабарлар**

***Китоб туманидаги Хўжаилмкони қишлоғига табиий газ келди.***

## Хўжаилмконига газ келди

Тоғолди ҳудудида жойлашган бу қишлоқ аҳолиси ўтин-кўмир ташвишидан қутулишни кўпдан бери орзу қиларди. Оқсоқоллар ва фаоллардан иборат ташаббускор гуруҳ тузилиб, 35,5 миллион сўмлик лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланиб, амалга оширилди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Барака — ҳаракатда

*Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Нукус филиали негизида тузилган Қўнғирот агентлиги, мана, ўн йилдирки, Шуманай, Қангликўл, Қўнғирот ва Мўйноқ туманлари аҳолисига бир қатор лойиҳалар доирасида ёрдам бериб келмоқда.*

— Ўтган давр мобайнида жамоамиз томонидан 1109 та лойиҳа молиялаштирилди, — дейди агентлик директори Тенгел Қодирбоев. — Натижада 1788 та янги иш ўрни яратилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАМ ПАЗАНДА, ҲАМ ЧЕВАР



***Одатда, бу ҳудудда яшовчиларни кўпчилик тоғликлар, дейишади. Йигитларининг чапдастлиги, тантилиги, меҳмоннавозлиги тиллардан тилларга, эллардан элларга кўчган. Оила бекаларини айтмайсизми? Ҳам пазанда, ҳам чевар. Ёшлари эса илмга чанқоқ.***

**Таълим**

Мана, бир мисол. Сўх қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида ҳозирда 800 нафардан зиёд ўқувчи олтита йўналиш бўйича таҳсил олмоқда. Илм масканида яратилган шарт-шароит, малакали педагоглар сўхлик ўғил-қизларнинг етук ва баркамол инсон бўлиб етишишлари йўлида хизмат қилмоқда. Жорий йилда эса коллежни 200 нафар ўқувчи битириб чиқади. Уларнинг салкам 100 нафари тикувчидир.

СУРАТДА: коллежнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Ҳадияхон Тўйчиева ўқувчилар билан машғулот пайтида.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШАЁТГАН КОРХОНА

***Бугун "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятини шундай деб аташмоқда. Бундай эътирофга жамоа қандай қилиб эришди?***

***Маълумки, хорижий инвестицияни жалб этган ҳолда корхонани модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифати яхшиланишининг асоси эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Бунга "Навоийазот"да амалга оширилган янгиланишлар мисол бўла олади. Натижада бу ерда ўтган йили 201 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг 9283 миллион сўмлиги халқ истеъмоли молларидир.***

Эътиборлиси, меҳнат аҳли ана шу муваффақиятларни жорий йилда ҳам мустаҳкамлаб бормоқда. Биринчи чоракда 10965,3 минг АҚШ доллари ўрнига 18877,7 минг АҚШ доллари миқдорида аммиакли селитра, нитрон толаси, суюлтирилган техник аммиак, уксус кислотаси ва бошқа маҳсулотлар экспортга чиқарилгани шундан далолат бермоқда.

Гап шундаки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш ва иқтисодий самарадорликни оширишга йўналтирилган модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурига мувофиқ, бугунгача мазкур корхонада 5617 миллион сўмлик иш бажарилди. Жумладан, нитрил-акрил кислотаси ишлаб чиқаришда чиқинди газлардан паст ҳароратли ацетиленни чиқарувчи технология амалиётга татбиқ этилиб, газ пуфлагични монтаж қилиш ишлари тугалланди. Сирка кислотаси цехида иссиқлик алмаштиргич ва қувурларни монтаж қилиш ишлари бажарилди. Ацетилен цехида эса "АГК-1,2" газ компрессорларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари якунланди.

Шу билан бирга, ҳукуматимизнинг Бирлашган Араб Амирликлари билан эришган келишуви асосида корхонада йилига 550 минг тонна аммиак, 450 минг тонна карбомид ва 50 минг тонна ПВХ (пластик маҳсулотлар) ишлаб чиқариш мажмуаларини бунёд этишга киришилди. Бу мақсадлар учун 300 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилиши кўзда тутилмоқда.

**Жараён**

Сармоялар тез орада ўзини қоплаши аниқ. Негаки, ҳозирги кунда "Навоийазот"нинг кимёвий маҳсулотлари Эрон, Хитой, Покистон, Россия, Буюк Британия, Қозоғистон, Афғонистон, Нидерландия, Украина сингари давлатларга етказиб берилмоқда. Ҳар йили улардан 550 минг тонна суюлтирилган техник аммиак сотиб олиш учун буюртмалар тушмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури эса тобора кўпаймоқда. Ацетилен, нитрат толаси, каустик сода, техник метанол, аммоний сульфат каби ўн тўрт хил кимёвий маҳсулот шулар жумласига киради.



Қолаверса, 2007 йили "SGs-Tashkent, Ltd" ташкилоти томонидан ўтказилган аудит натижаларига кўра, корхона "Ўзстандарт" агентлиги ва "UK..S" Англия миллий аккредитация ташкилотининг "ISO 9001:2000" халқаро стандарти сертификати билан тақдирлангани унинг экспорт салоҳиятига берилган юксак баҳо бўлди. Бу, ўз навбатида, ўн мингга яқин малакали ишчи, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилаётган "Навоийазот" жамоасини янада юксак марраларни забт этишга даъват қилмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

*Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида ота-оналарнинг бироз ташвиши кўпаяди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан шу даврда ўқувчиларнинг бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.*

# ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

— Ёшлар йилида республикамиз миқёсида жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларининг узвийлигини таъминлаш мақсадида янги дастур ишлаб чиқилди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг оммавий спортни ривожлантириш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Равшан Насимов. — Унга кўра, ёзги таътил кунлари умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва барча ўсмирлар шу кунга қадар ўзларининг ҳудудларида фаолият кўрсатиб келган спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида одатий чиниқиш машғулотларини давом эттиришлари билан биргаликда, мунтазам мусобақалар уюштиришлари учун ҳам шароит ҳозирланди. Бу дегани, мамлакатимиздаги спорт муассасалари ёз ойларида ўқувчилар ихтиёрида бўлади. Ундаги мураббий, устозлар қатъий тузилган жадвалга мувофиқ фаолиятларини давом эттирадилар. Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд болалар соғломлаштириш мажмуалари барча ёшларни тўлиқ қамраб ололмайди. Шуни ҳисобга олиб дам олиш масканларига бормайдиган ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, бекорчилик ва ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун юқоридаги спорт тадбирларини ўтказишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Масалан, бирон вилоятнинг чекка қишлоғида яшовчи бир бола турли сабабларга кўра лагерга бора олмади. Хўш, унинг бўш вақти бемақсад, бекорчиликда кечиши керакми? Йўқ, албатта. Бекордан худо безор дейишади. Биз бутун ёз давомида ушбу кемтик ўрнини тўлдирибгина қолмай, балки барча болажонларга ўзларининг севимли спорт турлари билан машғулотларни давом эттиришлари учун шароит туғдиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун мактабларнинг спорт заллари, майдончалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг секциялари ва алоҳида барпо этилган спорт иншоотлари ёз давомида болалар учун очиқ бўлади.



Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида жаҳон ва қитъа миқёсидаги чемпионатларда совриндор бўлган таниқли спортчилар кўпчиликни ташкил этади. Ёзги таътил кунлари болалар соғломлаштириш мажмуаларида дам олаётган ва дам олиш масканларига бормаган ўқувчилар ўртасида ана шу номдор спортчиларимиз билан турли кечалар ва учрашувлар мунтазам ўтказиб борилади. Масалан, Бухорода таниқли дзюдочи Рамзиддин Саидов, Фарҳод Тўраев, Қашқадарёда футболчилар Зафар Холмуродов, Рўзиқул Бердиев, Навоийда стол тенниси устаси Манзура Иноятова, Тошкентда эшкак эшиш бўйича Осиё ўйинлари ғолиблари Зарина ва Севара Ғаниева, боксчи Рустам Саидов ва бошқа спортимиз юлдузлари билан учрашувлар ўтказилади.

*29-30 июнь кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида кураш бўйича анъанавий "Босфорус" халқаро турнири бўлиб ўтади.*

## Туркия кураш ишқибозларини кутмоқда

Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, мазкур нуфузли мусобақада Россия, АҚШ, Сербия, Исроил, Туркия, Греция, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Конго, Мўғулистон, Эрон, Ўзбекистон каби жами йигирмага яқин мамлакат полвонлари иштирок этиши кутилмоқда.

Мусобақада эркаклар 66, 81, 90 ва мутлақ, аёллар эса 52,63,70 ва мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқадилар.

**Ж. ТОШТЕМИРОВ.**



## Жаҳон кубогидаги ютуқ

**Швейцариянинг Арос шаҳрида трамплин бўйича жаҳон кубогининг тўртинчи босқич мусобақалари якунланди.**

Жаҳон кубоги дастуридан жой олган батутдан сакраш баҳсларида Анна Савкина ва Екатерина Хилькolар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Яккалик беллашувларида Екатерина Хилько 36,8 балл тўплашга муваффақ бўлди ва бронза медалини қўлга киритди. Анна Савкина эса ўн бешинчи ўрин билан кифояланди.

## Темур совриндорлар сафида

***Велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Канадада бўлиб ўтган Миллатлар кубоги кўпкунлик пойгасида муваффақиятли иштирок этди.***

*Айниқса, халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё ўйинлари совриндори Темур Муҳамедов яхши кўрсаткичга эришди. У тоғ йўли пойгаларида совриндор бўлди. Энди вакилларимиз Италияда бўладиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.*

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Майдонда журналистлар

***Урганч тумани Чалиш қишлоғида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб, пневматик милтиқдан отиш бўйича мусобақа ўтказилди.***

Мусобақа Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими томонидан ташкиллаштирилди. Турнирда хоразмлик журналистлар нафақат ижодда, балки спортда ҳам фаол эканликларини намойиш этдилар.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

▼ **Биласизми?**

Милклар қочиб, тишлар бўшашса, қаттиқ нонни чайнаш лозим.

— Ҳар қандай нон тоза эланган ундан, хамири яхши қорилган ва меъёрида кўпчитилган бўлса ҳамда обдон қиздирилган тандирда пиширилса, парҳез ҳисобига ўтади. Баъзилар тандирдан янги узилган нонни хуш кўрадилар. Тошкентда тўй дастурхонига иссиқ нон қўйиш одати бор. Лекин Абу Али ибн Синонинг ёзишича, «Иссиқ нонни ейиш яхши эмас, уни ёпилгандан кейин эртасига ейилса, фойдали бўлади». Негаки, иссиқ нон қизилўнгачни куйдириб қўйиши мумкин экан. Жуда зарур бўлганда иссиқ нонни совуқ сувга ботириб ейиш тавсия этилади.



— Ўта ёғли ва серқувват таомларни кўп ейдиган одамлар семириб кетадилар. Маълумки, семизлик ҳам касалликдир. Бундай касалликларнинг парҳези зоғора ва патрах нонларидир. Зоғора — бу маккажўхори унидан хамир қориб, пиширилган нондир. Патрах эса хамирга тўғралган пиёз қўшилган зоғорадир.

# АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ НЕЪМАТ

- **Нон тарихи қадимги Юнонистон новвойлари фаолиятига бориб тақалади. Улар нонни тайёрлашда илк бор махсус шаклдаги идишлардан фойдаланишган. Бу идишлар "клибанос" деб аталган.**
- Юнонлар нонни мустақил таом ҳисоблашган ва уни бошқа овқатлардан алоҳида ҳолда тановвул қилишган.
- **Франция қироли Генрих IV ўзининг исму шарифига "Нон қироли" таърифини қўшиб, бу билан ўз фуқароларини нон билан таъмин этганига ишора қилган экан.**
- Усмонлилар салтанатида новвойнинг алдоқчилиги қаттиқ жазоланган. Уни арқонга танғиб, кўчада сазойи қилганлар.
- **Словакияда асал қўшиб қорилган хамирдан пиширилган нон, халқ анъанасига кўра, келинга берилади. У буни сандиқда сақлайди ва қизига никоҳ тўйи куни ёдгорлик тариқасида туҳфа этади. Уни йигирма йилдан кейин ҳам ейиш мумкин. Чунки нон асалда қотиб қолмайди.**
- Покистонда никоҳ тўйидан олдин келинга йигирма килограмм келадиган нон ёпишда ишлатиладиган хамирни қориб тайёрлаш буюрилади. Агар хамир кўпчимаса, тўй бўлмайди.
- **Мисрда, кунлардан бир кун, кимдир Нил водийсида етиштирилган буғдой унини сув ва туз билан шунчаки аралаштириб офтобда қолдириб кетган. Мана шу паришонхотирлик натижасида ачитқили нон тайёрлаш усули "кашф" этилган.**

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, тайёрлади.**

▼ **Назорат**

***Яккасарой тумани ДСИ хўжалик юритувчи субъектларининг банкдаги пул маблағлари айланишини таҳлил қилиш шўъбаси ходимлари бир ой бурун «SUNNATILLA-BAHROM-PLUS» масъулияти чекланган жамиятининг банкдан олинган маълумотлари асосида таҳлилий текшириш ўтказаётиб, ёқа ушлашди.***

## Жиноий иш қўзғатилди

Таҳлил натижасига кўра, жамият томонидан 2008 йил учун 1 млрд. 299 млн. 892 минг 600 сўмлик юқори ликвидли маҳсулотлар пул ўтказиш йўли билан харид қилинган. Қолаверса, бу маҳсулотлар чакана савдо тартибида нақд пулга сотилиб, тушум банкка инкассация қилинмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, МЧЖ мансабдор шахслари томонидан 1 млрд. 202 млн. 908 минг 900 сўмлик маҳсулот пул ўтказиш йўли билан кирим ҳужжатларисиз сотиб олинганлиги маълум бўлди.

Жамият мансабдор шахслари устидан жиноий иш қўзғатилди.

## Билмадим деб тутилди

***Қонунни билмаслик ҳеч кимни қилган жинояти учун жавобгарликдан сақлаб қололмайди.***

Тўрақўрғонлик С.Жўраев гарчанд бундай бўлишини билмаган эдим, деса-да, жиноятга қўл урган. У ҳеч қандай ҳужжатларсиз ноқонуний равишда акциз маркали 106 минг 500 сўмлик алкаголли маҳсулотлар, акциз маркаси бўлмаган қарийб ўттиз минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ҳамда 54 минг 600 сўмлик салқин ичимликлар билан савдо қилган. Туман ДСИ ва прокуратура ходимларига энди у айбининг унча катта эмаслигини айтиб, кўз ёши тўкмоқда. Афсуски, хатонинг катта-кичиги бўлмайди. Катта хатолар кичик нуқсонлардан бошланади.

**Эсиргап БОЛИЕВ.**







Н2009 Гувохнома №001178
УСТАНОВКА И РЕМОНТ КОНДИЦИОНЕРОВ
"ЗИМА-ЛЕТО"
СПЛИТ-СИСТЕМА
ПРОЕКТИРОВАНИЕ. МОНТАЖ.
ПОСЛЕГАРАНТИЙНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ
Работаем по всей территории РУ
357-83-00, 128-04-02, 381-84-08

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси Қурилиш материаллари ва кимё кафедраси ассистенти **Далер Баҳодирович АШУРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Шарқ» НМАК жамоаси компания бош бухгалтери Шавкат Ҳамзаевга волидаи муҳтарамаси **РАЪНО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Олмос» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси тизимдаги савдо корхонаси мудири Шерзод Иноғомовга волидаи муҳтарамаси **Ҳабиба ИНОҒОМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 7